


Сийрат дарслари (71-дарс). Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам такбир билан қироат орасида бировз сукут сақлаб турар эдилар



14:18 / 07.02.2020 6198

324. Имрон ибн Ҳусойн розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Менинг бавосирим бор эди. Набий соллаллоҳу алайҳи васалламдан намоз ҳақида сўрадим. У зот: **«Тик туриб ўқи. Агар қодир бўлмасанг, ўтириб ўқи. Агар қодир бўлмасанг, ёнбошлаб ўқи»**, дедилар».

Бухорий ривоят қилган.

325. Абу Ҳозимдан, у Саҳл ибн Саъд розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Одамларга намозда ўнг қўлни чап билаги устига қўйишлари амр қилинар эди.

Абу Ҳозим: «Буни Набий соллаллоҳу алайҳи васалламга етказганидан бошқа нарсани билмайман», деди.

Бухорий ривоят қилган.

326. Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам такбир билан қироат орасида бироз сукут сақлаб турар эдилар. Шунда мен: «Ота-онам сизга фидо бўлсин, эй Расулаллоҳ, такбир билан қироатнинг орасида сукут сақлаганингизда нима дейсиз?» дедим. У зот: **«Аллоҳумма боъид байни ва байна хатоёя камо баъадта байнал машриқи вал мағриби. Аллоҳумма наққиний мин хатоёя камо юнаққо ас-савбул абязу минад-данаси. Аллоҳумма иғсил хатоёя бил маи вас-салжи вал баради», дейман»,** дедилар».

Бухорий ва Муслим ривоят қилишган.

«Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам» китобидан